# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 139 (8.874) ◆ 1996 йил ◆ 22 ноябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ АХБОРОТ МАРКАЗИ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаганлигини назарда тутиб, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган сиёсатни кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга тезкорлик билан муносабат билдириш орқали жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот марказининг маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқаро йўналишларга асосланган тизими таркиби, низоми ва лавозимлар рўйхати тасдиқлансин.

2. Ахборот маркази зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, маъруза ва нутқлари, Ўзбекистон қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид барча муҳим воқеалар моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз аҳолисига ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш вазифаси юклатилсин.

Асосий эътибор ислоҳотларнинг тарихий аҳамияти, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, буюк келажак йўлида фидойилик, миллий ғурур ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, халқ ва ватан манфаатларига содиқлик, одамлар онгида рўй бераётган ўзгаришларни чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий, маънавий ва халқаро шарҳлар орқали ёритишга қаратилсин.

3. Ахборот маркази эркин демократик ахборот маконини яратиш ва бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатишлари йўлида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Таниқли олимлар ва мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадида Ахборот маркази қошида маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқаро йўналишлар бўйича жамоатчи шарҳловчилар гуруҳлари ташкил этилсин.

5. Ахборот маркази Президентнинг фармон ва фармойишлари, нутқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан таъминлансин. Ахборот маркази ходимларининг Олий Мажлис сессияларида, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ва республика миқёсида ўтказиладиган барча муҳим тадбирларда қатнашишлари кўзда тутилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.*

Тошкент шаҳри,
1996 йил 21 ноябрь

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ АССАМБЛЕЯСИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК ҲАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ўртасида маданият, маърифат, тил, илм-фан ва маънавий қадриятларга асосланган ўзаро ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани ҳамда ушбу минтақа зиёлилари ва кенг жамоатчиликнинг мурожаатларини инобатга олиб, халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстлик ва маънавий бирликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро ҳаракатининг халқларимизнинг муштарак бой анъанавий меросини авайлаб-асрашга, адабиёт, санъат, илм-фан соҳасида эришган ютуқларини дунёга танитиш, бу соҳада янги имкониятларни излаб топиш ва тарғибот ишларини такомиллаштиришга қаратилган фаолият дастури маъқуллансин.

2. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрида унинг жамғармаси тузилгани ва Низоми Ўзбекистон Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтгани инобатга олинсин.

3. Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари:

ассамблея дастурини амалга оширишга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга минтақа ва бошқа мамлакатлардаги сармоядорларни жалб қилиш, ўз низоми доирасида ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий фаолият, тижорат, туризм ва ноширлик ишлари билан шуғулланиш;

Марказий Осиё халқларининг тарихий бирлиги ғоясини улуғлаш, илмий, маданий-маърифий алоқаларни такомиллаштириш, тинчлик ва осойишта ҳаёт йўлида дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш;

буюк аждодларимизнинг асрлар мобайнида яратилган ва ноёб маънавий мулкимизга айланган мероси — муштарак миллий ва умуминсоний қадриятларни авайлаб-асраш, бойитиш, мустақиллик манфаатлари йўлида кенг тарғиб қилиш;

ёш авлоднинг муштарак анъаналарга ҳурмат ва садоқат, истиқлол туфайли қайта уйғонган ўзликни англаш, миллий ғурур, меҳр-оқибат, яқин қўшничилик ва биродарлик туйғуларини юрак-юракдан ҳис этиши, минтақада тинчлик ва осойишталик бунёдкорлари, порлоқ истиқбол ижодкорлари бўлиб камол топиши учун саъй-ҳаракат кўрсатиш;

мунтазам равишда маданият, адабиёт, санъат, фольклор, миллий ҳунармандчилик, болалар ижоди каби соҳалар бўйича халқаро фестиваллар, анжуманлар, кўрик-танловлар ўтказиш, ассамблеянинг турли мукофот ва совринларини жорий этиш, шу орқали ижод аҳли ва зиёлиларни шонли тарихи, бетимсол бугуни, ёрқин келажаги бир бўлган қондош халқларнинг азалий ва абадий ҳамкорлигини улуғловчи бадиий баркамол, юксак инсонпарварлик руҳидаги ўлмас асарлар яратишга илҳомлантиришдан иборат эканлиги эътиборга олинсин.

4. Жамғарманинг таъсисчилари ва ҳомийлари, турли ташкилотлар, корхоналар ва жамоатчиликнинг уни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Жамғарма ва унинг тасаррруфига кирувчи бўлинмалар, корхона ва ташкилотлар барча турдаги давлат солиқларидан, божхона тўлови ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа тўловлардан беш йил муддатга озод этилсин, шунингдек, таъсисчилар ва хомийларнинг даромаддан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг жамғармага ўтказадиган пул маблағлари микдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) жамғармага Вазирлар Маҳкамаси заҳирасидан 10 (ўн) миллион сўм маблағ ажратсин ҳамда жамғарма дастурига доир хорижий ҳамкорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган миллий сўмни эркин муомаладаги валютага айирбошлашни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Ф. Муллажонов) жамғармага Низомда кўрсатилган фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли кредит беришни ҳал этсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (К. Тўлаганов) бир ой муддатда Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро жамоатчилик ҳаракатининг қароргоҳи ҳамда жамғарма учун бепул алоҳида бино ажратсин.

9. Оммавий ахборот воситаларига жамғарма фаолиятини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом КАРИМОВ.*

Тошкент шаҳри,
1996 йил 21 ноябрь.

## «КЕЙС» ДАЛАЛАРИМИЗГА ЧИҚЯПТИ

Ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон — Америка муносабатлари кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Яқинда «Кейс-Корпорейшн» компанияси президенти жаноб Жан-Пьер Россо бошлиқ американлик вакилларнинг мамлакатимизга ташриф буюриши ва уларнинг Президент Ислом Каримов томонидан илиқ қабул қилиниши ҳамкорликнинг нечоғли муҳимлигидан далолат беради.

Маълумки, вакиллар трактор, комбайн ва пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича бир қанча амалий таклифлар билан келишган эди. Шу боисдан улар пойтахтимиздаги «Мотор» заводидаги имконият ва шароитлар билан танишдилар.

Келгуси йили шу корхона негизида «Кейс-корпорейшн» компанияси билан биргаликда қўшма корхона ишга тушириладиган бўлди.

Иккиёқлама иш юритиш тажрибаси «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ўз натижаларини бера бошлади. Бу ерда 126 от кучига эга бўлган, америка двигатели ўрнатилган 8 та пахта териш машинаси завод мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилиб, синов мақсадида Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларига ҳамда республика машина синаш станцияларига жўнатилган эди.

Дастлабки кузатишлар бу машиналар серунумлиги, механизаторлар учун қулайлиги билан ажралиб туришини кўрсатди. Ҳатто бу янги машиналар хирмонга баракали ҳисса ҳам қўша олишди.

Ҳамкорлик йўлида қилинган дастлабки бу қадамлардан ҳам билса бўладики, ўзбек механизаторлари ҳадемай мукаммал «Кейс» машиналарини ҳам бемалол «жиловлаб» оладилар.

*Назрулла ҲАМРОЕВ.*

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○

## ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИ АСОСИДА

Тошкент шаҳар бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида «Бизнес-журналистика» соҳаси бўйича семинар ўз ишини бошлади. Унда жаҳонга машҳур «БИ-БИ-СИ» радиокомпанияси ходими Франк Вильямснинг тажрибалари асосида ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Унда маҳаллий журналистлар, жумладан, Ўзбекистон радиоси ижодий ходимлари ҳам тажриба орттирмоқдалар.

Жаҳон журналистлари ва ахборот воситаларининг иш жараёни билан танишиш ўзбек журналистлари касб маҳоратини оширишга хизмат қилади. Жумладан мулоқот қилинаётган жойлардан телефон орқали тўғридан-тўғри эфирга маълумот узатиш улар учун янгилик бўлди.

Ўқув машғулотлари чет эл технологиялари билан жиҳозланган махсус хоналарда олиб борилмоқда.

*Саида ЙЎЛДОШБЕКОВА.*

## МАХСУС ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистонимиз аҳолиси болажон халқ. Фарзандларимизнинг баркамоллигини кўриш эса барчанинг бахти. Соғлом болалар қатори саломатлигида нуқсони бор болаларимиз ҳам йўқ эмас. Бундай фарзандлар ҳам бошқалардан кам эътиборда бўлмаслиги керак. Бугунги кунда улар учун махсус мактаб-интернатлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ЮНЕСКОнинг Халқаро экспертлари билан ҳамкорликда «Махсус таълимни такомиллаштириш» бўйича республика семинари ташкил этди. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти биносида ўтказилган бу анжуман бугун ниҳоясига етди.

Соғлиғида камчилиги бор болаларни ижтимоий реабилитация қилиш, она ва бола соғлиғи муҳофазаси, малакали дефектолог кадрларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, Республикамизда ногирон болаларга таълим-тарбия беришни янада такомиллаштириш, психофизик камчиликлари бўлган болалар билан ишлашда Япония тажрибасини таълим тизимимизда интеграция жорий қилиш ва бошқа масалаларнинг муҳокама қилиниши анжуман дастуридан жой олган эди.

Семинарда Халқ таълими вазирлигидан Алишер Азизхонов, Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Коуичи Обата, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги координатори Барри Лейн, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов ва бошқа расмий кишилар билан бирга республикамиздаги барча тажрибали дефектологлар иштирок этишди. Шунингдек семинар давомида махсус машғулотлар, ЮНЕСКОнинг халқаро эксперти билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, махсус ўқув тарбия муассасаларига ташрифлар уюштирилди.

*Фарида ТОЖИБОЕВА.*



*«Малика» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган тикувчилар ва ип йигирувчилар бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ меҳнат қилишга одатланишган. Чунки ҳозирги кун талаби шундай. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати тобора яхшиланиб, тайёр маҳсулотлар харидоргир бўлмоқда.*

*СУРАТДА: ип йигирув шохобчасининг йигирувчилари Дилдора Валихўжаева ва Зулхумор Раҳимовалар.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида янги ташкил этилган бизнесменлик бошқарув факультети дастурларида маркетинг, молия ва кредит соҳалари бўйича етук мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, мазкур факультетнинг очилишида Ўзбекистон ва Малайзия давлатлари ўртасида тузилган давлатлараро шартнома муҳим ўрин эгаллайди. Гап шундаки, Малайзия бизнинг нефть ва газ қазиб чиқариш саноатимиз билан қизиқиб, шу соҳада қўшма корхоналар тузиш ниятида.

Тошкент Давлат техника университетида янги факультетнинг ташкил топиши бир хил ихтисосдаги касб эгаларини кўплаб тайёрлаш имконини беради. Малайзиянинг «Ренонт Бархад» фирмаси бизнесменлик бошқарув факультетини таълим учун зарур бўлган барча техника воситалари, ўқув ашёлари билан таъминлашни ўз зиммасига олди.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

## «ЁШЛИК» ОҚШОМЛАРИ

Собир Раҳимов тумани «Ёшлик» Талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими ташаббуси билан Чимбой кўчасида талабалар гузари шу йил июль ойида фойдаланишга топширилган эди. Бугунги кунда бу ер ёшларнинг обод ва шинам кўнгилочар масканига айланган. Ҳафтанинг ҳар жума оқшомида бу ер ёшлар билан гавжум бўлмоқда. Гузарда доимий равишда савол-жавоб кечалари ҳамда дам олиш концертлари ўтказиляпти. Концертда асосан Тошкент Давлат техника университети, Тошкент маданият техникуми, Тошкент Давлат университети, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошида ташкил этилган ҳаваскорлик гуруҳлари жамоалари қатнашишяпти.

Савол-жавоб кечалари турли мавзуларга бағишланмоқда. «Мустақиллигимизга беш йил», буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган «Амир Темур биз билан», «Ёшлар ва «Камолот» мавзуига бағишланган кечалар йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Милиция куни муносабати билан ўтказилган кеча ҳам қизиқарли бўлди. Унда Талабалар шаҳарчасида тинчлик ва осойишталикни сақлашга, қонун устиворлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган ички ишлар ходимлари ҳам иштирок этишди. Уларга эсдалик совғалари — чинни буюмлар жамламаси, соат, магнитофон, тўн кабилар топширилди. Ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилаётган бундай совғалар савол-жавоб кечасида фаол иштирок этиб, саволларга тўғри жавоб топган, яхши куй ва қўшиқ, ажойиб рақс ижро этган талабаларга ҳам топширилмоқда. Бу хайрли ишларга «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳарча бўлими, «Ёшликтаом», «Талабатаом», кичик нон корхонаси, «Камолот» жамғармаси ва бошқа муассасалар ҳомийлик қилишяпти.

Бундан ташқари савол-жавоб кечасида ўз ташаббуси билан иштирок этаётган санъаткорлар ҳам бор. Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов, қизиқчи Ботир Муҳаммадхўжаевларнинг қатнашуви кечага алоҳида завқ-шавқ бахш этди.

Гузарда доимий ўтказилаётган жума оқшомлари, талабаларнинг бўш вақтлари кўнгилли ўтишига, талабалар билим доирасининг кенгайишига, янги истеъдодларнинг рўёбга чиқишига ёрдам беряпти.

*Мавлуда МИРЗАЕВА.*

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● 20 ноябрь куни Канада элчиси Энн Лейхи хоним, Чехия элчиси Лубош Добровски, Жазоир элчиси Риам Абдулқодир, Польша элчиси Богуслав Качински Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиқларини топширдилар.

● Президент Ислом Каримов кеча Европанинг «Аэро интернейшнл» компанияси вице-президенти Петер Конноли раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон бу компаниянинг «ЭРЖ-85» русумидаги учта самолётини сотиб олишга қарор қилгани, келгусида Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акционерлик жамиятида бу компания билан ҳамкорликда самолётлар йиғувчи қўшма корхона ташкил этиш истиқболи ўрганилаётганлиги қайд этилди.

● Бугун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида Москвада чиқадиган «Новое время» журнали мухбирининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан суҳбати эълон қилинди.

● Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Қобилжон Обидовнинг 20 ноябрь куни Япониянинг мамлакатимиздаги элчиси Коуичи Обата билан учрашувида Япония ҳукумати Ўзбекистонга 400 миллион иен миқдорида грант ажратгани маълум қилинди.

● Сурхондарёда алюминийдан эшик ва ойна ромлари, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «Термал» Ўзбекистон—Тожикистон қўшма корхонаси ташкил этилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● 24 ноябрда Белоруссияда Президент томонидан тақдим этилган мамлакат Конституцияси янги таҳрири бўйича референдум арафасида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасидаги мухолифатчилик энг юксак чўққисига чиқди. Мамлакат парламенти Президент Александр Лукашенкони лавозимидан четлаштириш юзасидан Конституциявий судга мурожаат этди. Ҳокимиятнинг икки тармоғини муросага келтириш мақсадида кеча кечқурун Минскка Россия Бош вазири Виктор Черномирдин, унинг ўринбосари Валерий Серов, мамлакат парламенти икки палатаси раҳбарлари Егор Строев ва Геннадий Селезнёвлар келди. Улар ёпиқ эшиклар ортида Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ва парламент раҳбари Семён Шарецкий билан музокаралар ўтказмоқдалар.

● Кеча Москвада Ҳамдўстлик мамлакатлари божхона хизматлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев юқори мартабали давлат хизматчиларига ўн кун муддат ичида ўз даромадлари ва мол-мулкларини декларация қилиш тўғрисида фармон чиқарди.

● Бугун Россия Президенти Борис Ельцин Москвадаги Марказий клиника касалхонасидан «Бавариха» санаторийсига кўчиб ўтади. У операциядан сўнг кеча Россия телевидениеси орқали биринчи марта интервью берди. Борис Ельцин янги йилгача Кремлда хизмат вазифасини бажаришга киришиши маълум қилинди.

### ХОРИЖДА

● Бугун Филиппин пойтахти Манилада Осиё—Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — АСЕАНнинг олий даражадаги анжумани очилди. Унда АҚШ Президенти Билл Клинтон ҳам иштирок этмоқда.

● Ҳиндистон ҳукумати Андхра — Прадеш штатида ўтган ҳафтада бўлиб ўтган табиий офат оқибатларини бартараф этишда ёрдам сўраб халқаро ҳамжамиятга мурожаат этди. Соатига 180 километр тезликдаги довул оқибатида бу ерда 800 та қишлоқ сув остида қолди, ярим миллион аҳоли ташқи дунёдан узилиб қолди. Расмий маълумотларга кўра 800 киши ҳалок бўлди. Юзлаб кишилар бедарак йўқолган. Табиий офат етказган зарар 555 миллион долларга етади, деб баҳоланмоқда.

● Кейинги беш йил давомида жаҳонда туғилиш даражаси БМТ мутахассислари мўлжаллагандан 29 миллион нафар кам бўлди. Бу Африка қитъасидаги урушлар ва СПИДга чалиниш, Шарқий Европа ва собиқ СССРдаги иқтисодий сабаблар билан изоҳланади.

*Дзюдо*

## ЯПОНИЯГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Японияга жўнаб кетишди. Йигитларимиз Токио шаҳрида дзюдо курашининг асосчиси Дзигаро Кано хотираси учун ўтказиладиган анъанавий халқаро турнирда иштирок этишади. Юртимиз шарафини 60 килограмм вазн тоифасида Алишер Мухторов, 65 килограммгача Темир Муҳаммадхонов, 71 килограммгача вазнда Андрей Штурбабин, 78 килограмм вазн тоифасида Владимир Шмаков ва Фарҳод Тўраев, 86 килограммда Армен Богдасаров, 95 килограммда Камол Муродов ҳамда 95 килограммдан зиёд вазнда Дмитрий Соловьёвлар ҳимоя қиладилар. Делегацияга Ўзбекистон дзюдо федерацияси президенти Толиб Ҳакимов раҳбарлик қилмоқда. Терма жамоанинг катта мураббийлари Нусрат Валиев ва Владимир Пятаевлар йигитларимизга узоқ Японияда устозлик қиладилар. Японияга жўнаб кетиш олдидан мухбиримиз терма жамоа аъзолари билан учрашиб, суҳбатлашди.

Владимир Шмаков, Осиё чемпиони:

— Бу турнирга жаҳоннинг энг кучли дзюдочилари келишади. Мезбонларда ҳам катта имкониятлар мавжуд. Аммо бизнинг йигитларимиз ҳам жаҳонга танилиб қолишган. Буни яна бир бор исботлашимиз керак.

Армен Богдасаров, Олимпия ўйинларининг кумуш медаль совриндори:

— Дзигаро Кано халқаро турнирида қатнашиш ҳар бир дзюдочининг орзусидир. Мен бу мусобақада иккинчи маротаба иштирок этмоқдаман. Биринчи гал еттинчи ўринни эгаллагандим. Бу сафар фақат совринли ўринлар учун ҳаракат қиламан.

Мусобақалар 23-24 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Биз ҳам полвонларимизга улкан ғалабалар тилаймиз.

*Салоҳиддин МАҲМУДОВ.*

*Триатлон*

## НАВБАТ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА

Триатлон кейинги пайтларда жаҳон мамлакатларида жадал ривожланиб бораётган янги ва қизиқарли спорт турларидан биридир. Унинг бошқа спорт турларидан ажралиб турадиган алоҳида томони шундаки, триатлонда сузиш, велосипед пойгаси ва узоқ масофага югуриш бўйича спортчилар ўзаро беллашади.

Демак, триатлон кучли жисмоний тайёргарлик ва тезкорлик хусусиятларини талаб этадиган жозибали спорт мусобақасидир.

Яқинда А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида триатлон бўйича умумшаҳар биринчилиги ва шахсий мусобақалар бўлиб ўтди. Унда Акмал Икромов, Чилонзор, Миробод туманларининг спорт-техника клублари, «Унита» бирлашмаси, Касаба уюшмалари ва «Ватанпарвар» жамиятининг болалар ва ўсмирлар махсус техник мактаби вакиллари бўлмиш эркаклар, ўсмирлар, қизлар ва фахрийлар ўзаро куч синашишди.

Шуни таъкидлаб ўтиш эътиборга моликки, триатлон беллашувлари ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Улар мусобақа қатнашчиларини қизғин қўллаб-қувватлаб туришди. Ниҳоят спортнинг уч тури бўйича баҳслар якунига етгач, эркаклар ўртасида ғолиблик Алексей Леонов (Касаба уюшмалари ва «Ватанпарвар» жамиятининг болалар ва ўсмирларнинг махсус техник мактаби)га насиб этди. Ўсмирлар ўртасида ҳам юқоридаги мактаб вакили Олег Дургалишвили биринчи ўрин соҳиби бўлди. Қизлар орасида Миробод туман спорт-техника клуби вакили Надежда Гайсинага тенг келадиганлар топилмади. 40 ёшдан ошган фахрийлар баҳсида эса Вячеслав Растригин зафар қучди.

Ҳозир триатлон бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Ҳиндистоннинг Мадрас шаҳрида 1 — 9 декабрь кунлари бўладиган Осиё чемпионати баҳсларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○




*Энг афзали — тотувлик*

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

***Республикамиз мустақилликни қўлга киритганидан бери юртимизда барча миллатларнинг миллий-маданий марказлари фаолиятлари айниқса жонланди. Улар ўз дастурлари асосида миллий анъаналар ва қадриятларни ривожлантириш, ёшларнинг она тилида ўқиши ва ижод қилишига имкониятлар яратиш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва шунга ўхшаш қатор вазифаларни амалга оширишмоқда. Бу борада Ўзбекистондаги 1,5 миллион аҳолини ташкил этадиган қозоқ биродарларимизнинг маданий марказлари олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.***

***Яқинда мухбиримиз мазкур марказ раҳбари Турсумат Холбоев билан суҳбатда бўлди.***

— Қозоқ маданий маркази республикамизда 1989 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди Т. Холбоев. — Шу ўтган давр мобайнида қилинган ишлар жуда кўп. Қисқача қилиб айтганда, амалга оширилган ва оширилаётган барча чора-тадбирларнинг асосий йўналиши халқларимиз ўртасидаги дўстлик , қон-қардошлик ришталарини мустаҳкамлашдан иборат. Тинч-тотувлик, осойишталик бўлган жойда мавжуд бўлган муаммолар босқичма-босқич ҳал этиб бориладеради. Республика Президенти Ислом Каримов айниқса, бу борада ҳамма қатори биз, қозоқ халқига ҳам катта эътибор билан қарайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда қозоқ тилида газета чоп этилиши, радио-теледастурларга эгалигимиз, «Ўзбекистон»нашриёти қошида қозоқ таҳририяти ташкил этилгани, қолаверса, Республика Ёзувчилар уюшмаси қошида қозоқ адабиёти шўъбаси ишлаб туриши миллий-маданий қадриятларимизни, тилимиз ва меросимизни асрашга катта ҳисса қўшмоқда.

**— Яқинда «Ўзбекистон — Қозоғистон» дўстлик жамияти ташкил этилди. Шу жамият билан биргаликда яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Бу жамиятнинг ташкил этилишини халқларимиз ўртасида асрлар давомида шаклланиб келаётган халқлараро алоқаларимизни яна янги поғоналарга кўтаради, деб баҳолаш лозим. Ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланаверади. Бу масалаларга мамлакатларимиз, ҳукуматларимиз даражасида катта эътибор берилаётгани икки халқнинг ҳам мақсад ва муддаолари билан ҳамоҳангдир. Ўтган йили Абай Қўнонбоевнинг, бу йил эса Жамбул Жабаевнинг таваллудларининг 150 йиллиги республикамизда кенг миқёсда нишонланди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги катта тантаналарга айланди. Қозоғистон ва Ўзбекистон полвонлари иштирокида ўтказилган «қозоқча кураш» бўйича халқаро мусобақа ўз ғолибларини топди. Жорий йилнинг 18 ноябрь куни Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театрида қозоқ ёшларининг ижодий ишлари намойиш этилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, атоқли олимларимиз, шоир, ёзувчиларимизнинг таваллуд кунларини биргаликда ўтказиш одат тусига кирмоқда. Атоқли қозоқ адиби Мухтор Авезов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО 1997 йилни Мухтор Авезов йили деб эълон қилди. Шунингдек, Ўзбекистонда туғилиб ўсган, ҳаётдан 30 ёшлигида кўз юмган истеъдодли шоир Тулеген Айбергеновнинг 60 йиллигини нишонлашга ҳам тайёргарликлар кўрилмоқда. Бундан ташқари маданий марказимиз Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ўрнатишга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

*Латиф ЗАМОН.*



***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўғилой Муҳамедова кўп йиллар хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс дастасида ўзининг нозокатли рақслари билан барчани хушнуд этди. Мукаррама Турғунбоевадан санъат сирларини ўрганди. Ҳозир рақкоса ўзининг билимларини ёшларга ўргатиш билан машғул бўлмоқда. Шаҳримиздаги 260-мактабда у томонидан тузилган «Мукаррама» дастаси анча танилиб қолди.***

***СУРАТДА: Ўғилой Муҳамедова қизи 9-синф ўқувчиси Мадина билан машғулот ўтказмоқда.***

***Равиль Альбеков олган сурат.***

*Касаба уюшмаси ташкилотларида*

# МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

Пойтахтимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири «Файз» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида меҳнат аҳлининг манфаати йўлида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу корхонада меҳнаткашлар учун қонунда кўрсатиб берилганидан ташқари қўшимча имтиёзлар ҳам белгиланган. Қурилиш материалларини имтиёзли нархларда сотиш, ишчи меҳнат таътилига кетаётганда моддий ёрдам кўрсатиш, ишга бориш учун корхона ҳисобидан хизмат транспорти, имтиёзли нархда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, турмуш қураётганда ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қисқа муддатли меҳнат таътилини бериш, санаторий-курортларга, имтиёзли нархлар билан болалар соғломлаштириш оромгоҳларига уруш қатнашчиларининг баъзи бир тоифадагилари, Чернобиль фалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар, афғон уруши қатнашчиларига эса йўлланмаларни бепул бериш кабилар шулар жумласидандир.

Мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлган ҳозирги даврда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида касаба уюшма қўмиталари олдида ечилиши лозим бўлган қатор масалалар кўндаланг бўлиб турибди.

«Излаган имкон топади», деганларидек, бу соҳада тажриба орттирган бошланғич касаба уюшма қўмитаси етакчиларининг амалий фаолияти диққатга сазовордир.

«Дилором» хусусий фирмаси сартарошлик хизмати кўрсатувчи жамоа корхонаси негизида 1995 йил март ойида ташкил топиб, унда 900 киши меҳнат қилади. Ушбу хусусий корхонада меҳнат ва ҳуқуққа доир қонунчиликка қатъий риоя қилинади.

Ишга қабул қилиш, ишдан бўшатишда, ходимнинг қилмишига яраша жазо беришда бошланғич касаба уюшма қўмитасининг розилиги инобатга олинади. Мазкур хусусий фирмада ҳам жамоа шартномаси тузилиб, шу асосда меҳнат муносабатлари олиб борилади.

Ходимлар меҳнат таътилига чиққанда маош миқдорида мукофот пули берилади ва муҳим тарихий саналар ва байрамлар нишонланади. 10 нафар меҳнат фахрийсига ҳар ойда 150 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Болалар нафақаси ўз вақтида ҳамда белгиланган миқдорда тўланиб, 2 ёшга тўлмаган гўдакни парвариш қилаётган 44 нафар аёл, фарзанди 16 ёшга тўлмаган 250 киши болалар учун бериладиган нафақани олмоқда. Корхонада касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тузилган меҳнат таътиллари жадвали бўлиб, унга қатъий амал қилинмоқда.

Жамоа шартномасида корхона ҳаётининг барча жиҳатлари қамраб олинган бўлиб, унда белгиланган тадбирларнинг муддати ва ижро этувчи масъул ходимлар аниқ кўрсатилган.

«Дилором» хусусий фирмаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси фаолиятининг муҳим жиҳати шундаки, мулкчиликнинг барча шаклида меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиш ишчининг меҳнатга бўлган муносабатини ижобий маънода ўзгартириб, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Инсонга бўлган ғамхўрлик, уни касбига, меҳнат жамоасига нисбатан меҳр-муҳаббатининг янада ошишига, ишга юзаки эмас, ижодий ёндошишга олиб келади.

*Улуғбек ПЎЛАТОВ.*



***«Учқун» акционерлик жамияти ҳар куни изланишда, фаолиятининг янги қирраларини очишда чарчаётгани йўқ. Айниқса, корхонага янги, замонавий дастгоҳлар ўрнатилиши ишга унум қўшмоқда.***

***СУРАТДА: корхона мутахассислари моҳир тикувчи Гулнора Жалилованинг тайёрлаган ишини кўздан кечиришмоқда.***

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Яхшидан боғ қолади*

# ҲАЁТ ҚЎШИҒИ



**Сахий кузнинг енгил насими эсиб турарди. Биз бир гуруҳ зиёлилар профессор Каримжон Назаров, таниқли физик-математик Фатхулла Зикриллаев, элшунос олим Билол Аминов, шифокор Файзуллахон Юсупов келишилган фурсатда Беруний метроси бекати олдида учрашдик.**

— Сизларни бир антиқа жойга, боғ сайрига олиб бораман, — дедилар Билол ака йўлда кетаётиб. — Мезбонимиз жуда ажойиб, қўли очиқ, сахий, меҳнаткаш инсон. У ҳаёт, уруш ва меҳнат машаққатларини мардонавор бошидан кечирган, ногирон, аммо иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам одам. Куни кеча бир эмас, икки ҳассага суяниб, оёқларининг бирини олиб, бошқасини қўйиб, атак-чечак қилиб, атай уйимизга келиб, нима дейдилар денг: «Билолхон, беш-ўнта кўнглингизга яқин ўртоқларингизни олиб, бизнинг боққа сайрга борсангиз».

Билол ака бизни Тошкент Ҳалқа йўли чеккаси, Ибн Сино даҳаси яқинидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги идораси орқасидаги жарлик ёқасида жойлашган боққа бошлаб келди.

Бизни иккала қўл ҳассасига суянган ҳолда очиқ чеҳра, майин табассум билан кутиб олган боғ соҳибини дарров танидик. Бу ёши етмишлардан ошган, қотмагина, узун бўйли, оқ-сариқдан келган, шоп мўйловли, овози жаранғдор ва ёқимли Насимхон ота Болақўзиев эди.

— Келинглар, келинглар! Қадамларингизга ҳасанотлар бўлсин! Хуш келибсизлар! — деди у худди эски танишлардек биз билан кенг қучоқ очиб кўришаркан.

Мезбон бизни боғ ўртасига қурилган баланд шийпонга таклиф қилди. Зинадан бирин-кетин тепага кўтарилиб, ён-атрофга суқланиб боқдик. Дарҳақиқат, таъриф-тавсифини йўлда Билол акадан эшитганимиз катта майдондаги боғдаги мевали дарахтларнинг шохлари мевасини кўтара олмай, эгилиб, синаман деб ётарди. Ўртага ёзилган тўкин-сочин дастурхон атрофига бемалол ўрнашиб, боғда етишган сахий куз ноз-неъматларидан тановул қилиб, самимий, дўстона гурунглашдик.

— Ўзимиз асли себзорлик бўлиб, Жарариқ даҳасида дала ҳовлимиз бўларди, — дея сўз бошлади Насимхон ота. — Ота-боболаримиз деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланишган. «Қуш уясида кўрганини қилади» дейишганидек, болалигимдан ер, тупроқ, сув, меҳнат, мол-ҳол билан боғланганман. Бусиз очиғи, ҳаётимни сира тасаввур қила олмайман. Кейинчалик давр, тақдир тақозоси билан ерларимиз жамоа хўжалиги ҳисобига ўтиб кетиб, ўзимиз каталакдай тор ҳовлида, шаҳарда қолиб кетдик. У ерда мол-ҳол боқиш, деҳқончилик қилиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. 1945 йилда урушдан ногирон бўлиб келдим. Тупроқдан ташқари бўлиб, худо берган ризқу насибамни териб юрибман. Хуллас, 1953 йилларга келиб, бироз ишлаш, ўзимни синаб кўришга қарор қилдим. Узоқ вақт тўшакка михланиб ётиш, ҳассага суяниб юриш, чойхонага чиқиб, бекорчилар даврасида ўлтириш жонимга тегди. Ўқитувчилик қилиш қўлимдан келмаса, энди нима билан шуғуллансам экан деб, роса бошимни қотирдим. Ҳар нарса бўлса ҳам ота касбим, деҳқончилик қилай, боғ-роғ яратай деб ҳаракат қилдим. Ҳаракатда баракат дейишганидек, аввал жамоа хўжалигида, кейинчалик Тошкент политехника, автомобиль йўллари институтларида боғбонлик қилиб, боғлар, гулзорлар яратдим. 1990 йилдан эса шу ердан салкам ярим гектар атрофидаги ташландиқ жой, ахлатхонани оилам билан боғ қилишга қарор қилдим. Ўғлим Козимхон ёнимга кирди, кўзимга нур, белимга қувват, оёқларимга кучмадор бўлди. Ахлатхона, чакалакзор, ажриқзорни тозалаб тупроқ тўкиб, не-не машаққатлар билан ариқ очиб, сув чиқариб, турли мева дарахтлари экиб, шундай жаннатмакон ҳолатга келтирдик. Меҳнатларимиз зое кетмади, дарахтларимиз ерга чуқур илдиз отиб, шиғил ҳосилга кирди. Эккан 8 минг туп терак қаламчалари иморатга ярайдиган бўлиб қолди.

— Сиз ниҳоятда савобли ва хайрли ишга қўл ургансиз ва бунинг уддасидан чиққансиз, — дея Насимхон отага юзланди анчадан бери унинг сўзларини диққат билан тинглаб ўлтирган Фатхулла Зикриллаев, — тарихий манбалар ва адабий-бадиий адабиётларда боғдорчилик, деҳқончилик ҳақида жуда кўп ажойиб ривоятлар бор...

Суҳбатимиз давомида хонадон соҳибининг нафис санъат ва адабиёт, мумтоз куй, қўшиқлар шайдоси, ижрочиси эканлиги ҳам маълум бўлди. Биз ундан ўзи севган бирор қўшиқни айтиб беришини илтимос қилган эдик, бунга жавобан Насимхон ота қўлига дастурхон устидаги битта бўш ликопчани олди-да, кўзини юмиб, секин хиргойи бошлади...

Назаримизда жозибадор, жарангдор овоз, мўъжизакор куч-қудрат ва улкан қалб соҳибининг жасорати, матонати, заковати, нозик дид, фаросатига нафақат биз, балки у бунёд этган сўлим боғдаги барча дов-дарахтлар ҳам қўшилишиб тасанно айтар, шамолда тебранаётган япроқлар худди қарсак чалаётгандек шитирлашар, шийпон ҳам беланчакдай тебранар, кўнглимизни кўтарар, бизни беозор аллалар ва эркалар эди. Бундан биз сархуш эдик албатта.

— Сахийликнинг ҳам ўз поғона, босқичлари бор, — суҳбатга қўшилди профессор Каримжон Назаров. — Бу саховат, мурувват, футувватдир. Ҳазрати Навоийнинг айтишича: «Саховат шундай нарсаки, бундай хислат эгаси биринчи ўзи еб, кейин бошқаларга едиради». Мурувват-чи? «Еб турган азиз ва ноёб нарсасини ўзи емай, бировга илинади». Футувват-чи? Катта ишлар қилади. Масалан, домла айтганларидек, биров кўприк қуради, мадраса солади. Аммо ўзи шу кўприкдан ўтмаса ҳам, масжид, мадрасадан фойдаланмаса ҳам, қилган ишини бировга пеш қилмайди. Биз Насимхон аканинг қилган савобли ишлари, сахийликларидан ниҳоятда завқландик, унинг жасорати, матонатига қойил қолдик. Демак, бу одам ҳаётлигидаёқ ўзидан яхши боғ, яхши ном қолдираётган ажойиб инсондир.

**... Мана, биз ўша сўлим боғни зўрға тарк этиб, унинг соҳибига эзгу ниятлар билдириб хайрлашганимизга ҳам анча бўлди. Бироқ ҳамон қулоғимизда, кўз олдимизда, тилимиз ва дилимизда ўша жозибали, жарангдор овоз ва оловюрак қалб соҳибининг қуёшдай иссиқ юзи, сиймоси гавдаланиб туради, унинг куйлаган ҳаёт қўшиғи авж пардада янграётгандай туюлади.**

*Искандар РАҲМОН.*

*Миср янгиликлари*

## ЖОНЛАНГАН ҚЎҲНА ТАРИХ

Мисрда бир қатор тарихий обидалар қайтадан очилди.

Мамлакатда ҳар йили 4 ноябрда нишонланадиган Луксор шаҳри куни ҳамда Тутанхамон мақбараси топилган сана муносабати билан ўтказилган тантаналарда Миср маданият вазири Фаруқ Ҳусний бир қатор муҳим тарихий обидаларни очди. Улар ичида Луксордаги 22 устундан иборат Амнхутеб II қасрининг биринчи устуни ҳам бор. Бу барча устунларни тўла қайтадан тиклаш ишлари 7 ой давом этди. Шу куни бундан 3 йил олдин ёпиб қўйилган Рамзес VI нинг мақбараси ҳам қайтадан зиёратчилар учун очилди. Рамзес III бунёд эттирган Хабу шаҳар-обидасини таъмирлаш ишларининг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичлари ҳам поёнига етказилиб, шу куни томошабинлар диққатига ҳавола этилди. Тохотмус II нинг бундан 3 йил олдин тиклаб тугатилган саркофаги ҳам намойишга қўйилди. У мармардан ясалган муқаддас кема сифатида ишланган бўлиб, унинг ичига Амун Ра Илоҳининг олтин ҳайкалини жойлаштириш мўлжалланган.

Хабу обида-шаҳарчасининг очилиши натижасида бу хилдаги нодир маданий ва сайёҳлик марказларининг сони яна биттага кўпаяди. Улар қаторига малика Хатсебшут ва шоҳ Тохотмослар қурдирган «18 династия» ибодатхонаси, таъмирланган Рамзес VI ибодатхонаси, Батлимий асри ибодатхонаси, милоддан аввал 1407-йилдан бошлаб 36 йил давомида қадимий Мисрда ҳукмронлик қилган, ҳунармандчилик ва ҳунармандларнинг паноҳи бўлган Аминхотебнинг таъмирланган лавҳаси ҳам киради. Бу машҳур лавҳада ибодатхонанинг қурилиш тарихи Амун Илоҳининг тасвири, унинг тепасида эса қуёш акс эттирилган. Бу буюк Аминхотеб III яратган улкан ибодатхонанинг бизгача етиб келган бир бўлагидир. Ғарбий қуруқликда жойлашган жаноза ибодатхонасидан эса фақат иккита машҳур маймун ҳайкали, баландлиги 9 метр бўлган юқоридаги лавҳа, тимсоҳ шаклидаги бир тош ҳайкал ҳамда Абул-Ҳавл кўринишидаги бир қанча ҳайкалчаларгина бизнинг кунимизгача етиб келган.

## НОДИР ҲОДИСА

Қуёш яна бир бор Рамзес II чеҳрасини 23 дақиқа давомида ёритиб ўтди.

Яқин Шарқ ахборот агентлиги Мисрнинг Асвон шаҳридан хабар беришича, қуёш шу йил 22 октябрь куни мамлакатнинг жанубида жойлашган Абу Сумбул сайёҳлик шаҳарчасидаги шоҳ Рамзес II чеҳрасини маҳаллий вақт билан эрталаб 5 дан 53 дақиқа ўтгандан бошлаб 23 дақиқа давомида ёритиб ўтди. Ҳайкал шундай аниқ ҳисоб билан ўрнатилганки, бундай нодир ҳодиса ҳар йили икки мартагина содир бўлади. Биринчи бор қуёш Рамзес II чеҳрасини 22 февраль — у туғилган куни ёритса, иккинчи марта 22 октябрь — у Миср тахтига ўтирган кунигина тушади.

Бу нодир ҳодисани бу йил кўп сонли мисрликлар билан бирга дунёнинг турли томонларидан келган 1000 дан ортиқ саёҳатчилар ҳам томоша қилдилар.

Абу Сумбул тарихий ёдгорликлар мажмуаси мудири, археолог Атиййа Ридвоннинг таъкидлашича, бу ҳодиса ҳар йили бу ерда жуда кўп томошабинлар тўпланиб кетишига сабаб бўларди. Бу йил эса мамлакат тарихий ёдгорликларини ҳимоя қилиш ва сақлаш Олий кенгашининг кўрсатмасига кўра Абу Сумбулдаги Рамзес II ҳайкали пойига зиёратчиларни қўйиш биринчи марта тартибли ўтказилди.

Бу нодир ҳодиса муносабати билан ўтган оқшом саёҳлик шаҳарчасида халқ фольклор дасталари иштирокида катта шодиёналар бўлиб ўтди. Унда бу ажойиб тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш зарурлигини акс эттирувчи саҳналар кўрсатилди. Мактаб ўқувчилари бу ғаройиб ҳодисани кўргани келган ҳар бир саёҳатчига гулдасталар тақдим этдилар.

## ЖАРРОҲ АРАЛАШУВИСИЗ

Мисрда илк бор болаларда учрайдиган туғма юрак хасталигини жарроҳлик операциясисиз даволашга муваффақ бўлинди.

Бу жараён атиги бир соат давом этади, шундан сўнг гўдак ҳар кунгидек бемалол яшайверади.

Мисрдаги кардиология миллий институти директори, фан доктори Зиявуддин Абу Шиқканинг айтишича, янги туғилган ҳар 1000 мисрлик гўдакдан 3 тасининг ўпка ва аорта томирлари орасидаги канал-клапан гўдак 1 ойлик бўлишига қарамай табиий ҳолда ёпилиш ўрнига очиқлигича қолаверади. Натижада, зарарланган қон ўпканинг томирларига ўтиб кетаверади. Бу юракнинг чап қулоқча ва қоринчалари кенгайиб кетишига олиб келади. Болаларда учрайдиган бу туғма юрак хасталигини операциясиз даволаш учун гўдак сонининг юқори қисмида кичик тешик очилиб, катитер ёрдамида спиралсимон ҳалқа юборилади. Шу тариқа гўдакнинг ёпилмай қолган клапан-каналини ёпишга эришилади.

## КЛЕОПАТРА ГЎЗАЛЛИГИНИНГ СИРИ

Шу йил охирларида Мисрда йирик тиббий халқаро анжуман бўлиб ўтади.

Шу кунгача дунёнинг турли бурчакларидаги 1000 дан ортиқ олим ва шифокорлар мазкур анжуманда иштирок этиш хоҳишини билдирдилар. Мисрнинг Аз-Заказиқ университети проректори тери касалликлари бўйича фан доктори, устоз Муҳаммад Омир бу ҳақда хабар қилар экан, бўлажак анжуман «Тиб илми ўтмишда ва ҳозирда» мавзуи остида ўтиши ва 5 кун давомида унинг иштирокчилари қариликнинг инсон терисига таъсирини камайтиришга оид 150 дан ортиқ маъруза ва илмий тадқиқот натижалари билан танишишлари ҳамда Клеопатра ўз ҳусн-жамолини асраш учун нималар қилгани, қадимги мисрликлар бу борада қўллаган услуб, йўл-йўриқлар ва уларни ривожлантириш орқали терини тортиш, уни турли кремлар билан даволаш маҳорати қанчалик тараққий топгани ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўладилар.

Сўнгги икки ярим йил давомида Японияниннг энг йирик «Асахи Шимбун» газетаси ўзининг ҳар якшанба тонгида чиқадиган саҳифаларида Миср гўзали малика Клеопатра ҳаёти билан боғлиқ сир-асрор ва ривоятларни чоп этиб келди. Натижада японияликлар газетанинг бу сонини тоқатсизлик билан кутадиган бўлиб қолдилар. Шу йил 18 октябрь куни газета Клеопатра қиссаларини босишни ниҳоясига етказди ва шу муносабат билан Мисрнинг Токиодаги элчихонаси Ахборот шўъбаси билан ҳамкорликда мазкур қиссалар алоҳида китоб шаклида чоп этилиши муносабати билан тантанали кеча ташкил қилди. Кечада Мисрнинг Япониядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мирфат Тилавий хоним қатнашди ва газета Клеопатра қиссалари билан бирга берган ҳамда бу тарихий шахс билан боғлиқ расмлар кўргазмасини очди. Газетада босилган Клеопатра қиссаси японияликлар орасида бир қадар мунозарага ҳам сабаб бўлди. Гап шундаки, муаллиф қиссада Клеопатранинг кўзларини мовий деган эди. Мисрга ташриф буюрган кўпчилик эса маликанинг кўзларини аксарият мисрликлар кўзлари сингари қора, деб билишар эди. Шу туфайли аслида Клеопатра мисрлик бўлганми ё ҳабаш ёки юнон вакиласи бўлганми, деган саволлар ҳам туғилди.

Муаллиф ўз навбатида Мисрга бир неча бор зиёрат қилгани, Мисрнинг қадимий маданияти ва ўтмиш маликалари ҳаёти билан яқиндан танишгани, уларнинг сир ва асрорлари ҳақида кўп адабиёт ўқиганини айтиш билан бирга, шу кунда Япония олий ўқув юртларини битираётган деярли барча йигит ва қиз қадимий маданият ўчоғи Мисрни ўз кўзлари билан кўриш иштиёқида эканлиги ва чинакамига бу кўҳна юрт ошиғи эканлигини маълум қилди. Автобус ва бинолардаги, галстук ва соатлардаги фиръавнлар даврларига оид расм ва нақшлар японияликларнинг Миср қадимий маданиятига қанчалар ихлосмандлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир, деди у.

## СУНЪИЙ ЎРМОНЛАР

Мисрда сунъий ўрмонлар яратишга киришилди.

Миср қишлоқ хўжалиги ва янги ерларни ўзлаштириш вазири, фан доктори Юсуф Валий ўзининг Яқин Шарқ мамлакатлари кўкаламзорлаштириш ва ўрмон хўжалиги ходимлари билан бўлган учрашувида Мисрда илк бор тозаланган оқава сувлар билан суғориладиган сунъий ўрмонлар яратишга киришганини маълум қилди. Бу турдаги биринчи ўрмон Миср — Япония дўстлиги ўрмони бўлиб, у Ан-Нутрон водийсида барпо этилади.

*Ибратли ҳикоятлар*

***Одамлар орасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш, уларнинг ҳар бирининг кўнглига қараб иш тутиш жуда қийин иш. Қозилик иши фақат адолатга суянишни талаб қилади. Ҳазрат Алининг қозиликлари ҳақида кўп ҳикоятлар ёзилган. Шу ҳикоятлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.***

## ТЎҒРИ ТАҚСИМОТ

Учта киши шерикчилик қилишиб бир нечта туя сотиб олиб боқишибди. Туялар ўн еттитага кўпайгач, уларнинг орасида ихтилоф пайдо бўлибди. Туяларни бўлиб олишга келишибдилар. Аммо шу ерда мушкуллик туғилибди, чунки туяларнинг сони ўн еттита бўлиб, уларни қандай тақсимлашни билолмай қолишибди. Улардан бири дебди:

— Туяларнинг ярми меники.

Иккинчиси дебди:

— Ҳамма туяларнинг учдан бири меники.

Учинчиси дебди: ҳар тўққизта туянинг бири меники.

Одамлардан уларга қозилик қилишларини сўрашибди. Лекин ҳеч ким ёрдам беролмабди.

— Бўлмайдиган ишни амалга ошириб бўлмайди-да! — дейишибди одамлар. Охир-оқибат улар аччиқланишиб, Ҳазрат Алининг қошига боришибди. Ҳазрат Алига ўз ҳасратларини айтишиб, қозилик қилишларини сўрашибди. Ҳазрат Али жилмайибдилар ва дебдилар:

— Адолат бўлишини истайсизми? Ҳозир ҳаммасини тўғрилаймиз. Туяларингиз ўн еттита эди. Мен сизга ўзимнинг битта туямни қарзга бераман. Энди туяларингиз ўн саккизта бўлди. Сен туяларнинг ярми меники дединг. Демак, тўққизта туя сеники. Сен эса туяларнинг учдан бири меники дединг. Олтита туя сеники. Кейин учинчи кишига дебдилар:

— Ҳар тўққизта туядан бири меники дединг. Иккита туя сенинг улушингдир.

Ҳаммалари бу ишдан рози бўлибдилар ва хурсанд ҳолда кетибдилар. Ҳазрат Али ҳам ўзларининг туяларини олиб, йўлга равона бўлибдилар.

## НОННИНГ ҲИСОБИ

Икки киши сафарга чиқишган эди. Тушлик қилиб олиш учун бир жойга ўтиришди. Уларнинг бирида бешта нон, иккинчисида учта нон бор эди. Нонларни дастурхонга қўйишди. Шу пайт бир йўловчи келиб қолди. Салом-алик қилишгач, уни ҳам дастурхонга таклиф қилишди. У ҳам бирга ўтирди ва деди:

— Пулим бор, аммо қорним жуда оч.

Улар билан бирга нон еди, чой ичди. Кейин чўнтагидан саккиз дирҳам пул олди ва дастурхонга қўйиб деди:— мени меҳмон қилганингиздан жуда хурсандман. Мен бу пулларга нон сотиб олмоқчи эдим. Энди эса уни сизга ҳадя қиламан.

Шуларни айтиб у ўз йўлида кетди.

Пулни кўрган икки киши орасида ихтилоф пайдо бўлди. Бешта нонннинг эгаси деди:

- Беш дирҳам меники. Уч дирҳам сенга, чунки сенда учта нон бор эди.

Учта нонннинг эгаси деди:

— Йўқ, пулни қоқ ярмидан бўлишамиз.

Иккаласи бир битимга келолмай жанжаллашиб туришганида у ердан Ҳазрат Али ўтиб қолдилар ва унга арз қилишиб ҳукм чиқаришларини сўрадилар.

Ҳазрат Али учта нонннинг соҳибига дедилар:

— Сен уч дирҳамни олгин-да, рози бўлгин.

У деди:

— Йўқ адолатли ҳукм чиқаришингизни истардим.

— Агар ҳақиқат бўлишини истасанг, сенинг улушинг бир дирҳамдир.

У эътироз билдирмоқчи бўлган эди, Ҳазрат Али ўз фикрларини баён қилиб дедилар:

— Унда бешта нон бор эди, сенда эса учта. Ҳаммаси саккизта нон бўлади. Агар уларни учга кўпайтирсак, йигирма тўрт бўлак ҳосил бўлади. Унда бешта нон бўлгани учун саккиз қисмини ўзи еди. Етти қисмини меҳмон еди. Сенда учта нон бор эди. Саккиз қисмини ўзинг единг, бир қисмини меҳмон еди. Агар одилона ҳукм чиқарадиган бўлсак, саккиз дирҳамдан етти дирҳами ўртоғингники бўлади. Бир дирҳам эса сенинг улушингдир.

У киши роса ўйлаб нега Ҳазрат Алининг аввалги гапларига кўнмаганига пушаймон қилди ва деди:

— Ё Али! Ҳар қанча зарар қилган бўлсам, ўзимга ўзим қилдим. Сизнинг адолатли ҳукмингизга розиман.

*Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.*

